

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 382-ҳадис

382 - وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَزُورُ قُبَاءَ رَاكِبًا وَمَاشِيًا، فَيُصَلِّي فِيهِ كُوعَتَيْنِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 1194، م 1399/516].

وَفِي رِوَايَةٍ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْتِي مَسْجِدَ قُبَاءٍ كُلَّ سَبْتٍ رَاكِبًا وَمَاشِيًا، كَمَا أَنَّ ابْنَ عُمَرَ يَفْعَلُهُ [خ 1193، م 1399/521].

382. Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам Қубога пиёда бўлсин, уловда бўлсин зиёрат қилиб турардилар. Ва у ерда икки ракат намоз ўқирдилар.

Муттафақун алайҳ.

Бошқа ривоятда келтирилишича, «Набий соллаллоху алайҳи васаллам Қубо масжидига пиёда бўлсин, уловда бўлсин, ҳар шанба келар эдилар».

Ибн Умар розияллоху анҳу ҳам ана шуни бажарардилар.

Шарҳ: Қубо – Мадинаи мунавварага Маккаи мукаррама тарафдан кириб келишдаги бир жой. Шу жойда Ислондаги биринчи масжид қурилган. Шунинг учун ҳам бу масжид алоҳида эйтиборга сазовор. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Мадинаи мунавварага жойлашиб, у ерга ўз масжидларини бино қилганларидан кейин ҳам Қубо масжидини қадрлашда давом этдилар. ҳафтанинг ҳар шанба куни уни зиёрат қилиб намоз ўқиб турдилар. Савоб кўпайишидан умидвор бўлиб, масжидга пиёда келар эдилар. Қайтаётиб эса уловга минар эдилар.

У зот соллаллоху алайҳи васалламдан ўртак олиб саҳобаи киромлар, жумладан, ушбу ривоятнинг ровийлари Ибн Умар розияллоху анҳу ҳам шундоқ қилар эдилар.

Шунинг учун Мадинаи Мунаввара зиёратига борган кишилар Қубо масжидини ҳам зиёрат қилиб, унда намоз ўқишга ҳаракат қиладилар.

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом:

«Ким уйида таҳорат қилиб, Қубо масжидига келиб намоз ўқиса, умранинг савобини олади», деганлар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI